

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 78 (10.887)

Баҳоси эркин нархда

КЕЧА ШАҲРИМИЗДАГИ «ЎЗЭКСПОМАРКАЗ» КЎРГАЗМАЛАР МАЖМУАСИДА ЎЗБЕКИСТОНДА СОғЛИҚНИ САҚЛАШ ҲАФТАЛИГИ ДОИРАСИДА БИР ВАҚТНИНГ ЎЗИДА УЧТА КЎРГАЗМА ЎЗ АШИНИ БОШЛАДИ.

Яъни «Ўзэкспомарказ»нинг марказий павильонидида «Соғлиқни сақлаш — ТИНе — 2007» 12-Тошкент халқаро кўргазмаси, «Артека Экспо — 2007» 2-Марказий Осиё ихтисослашган халқаро кўргазмаси, «Гүзаллик ва эстетик тиббиёт — Beauty — 2007» 1-Ўзбекистон халқаро кўргазмаси экспонатлари намойиш этилаётган бўлса, бугун «Интерконтиненталь» меҳмонхонасида «Stomatology Uzbekistan — 2007» 3-Ўзбекистон халқаро кўргазмаси бошланди.

ITE Uzbekistan халқаро кўргазмалар компанияси ушбу йирик тадбирнинг бош ташкилотчиси бўлса, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, республика стоматологлар уюшмаси, шаҳар ҳокимлиги ва Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси кўргазмаларни расман қўллаб-қувватлашмоқда.

Шуни айтиш керакки, шаҳаримизда Соғлиқни сақлаш ҳафталигининг ўтказилишида «Соғлиқни сақлаш — ТИНе» кўргазмалари муҳим ўрин тутди. Зеро, 12 йилдан буён мунтазам тарзда ташкил этиб келинаётган ушбу кўргазмалар нафақат мамлакатимиз, балки бутун Марказий Осиё минтақасида муҳим халқаро тадбир даражасига етди. Бу гал ҳам «ТИНе 2007» кўргазмаси доирасида тиббиёт соҳасида ташхис қўйиш, профилактика ва турли касалликларни даволаш учун зарур бўлган энг сўнгги илмий-техник ишланмалар билан танишиш мумкин бўлади.

Кўргазмалар қатнашчилари хусусида тўхталадиган бўлсак, 20 га яқин давлатдан 130 дан ортик компания ва фирмалар

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар



Кўргазмалар

СОғЛИҚНИ САҚЛАШ ҲАФТАЛИГИ БОШЛАНДИ

Ўз замонавий маҳсулот ҳамда технологияларини намойиш этишгаётганини кўрамиз. Россия, Германия, Италия, Швейцария, Жанубий Корея, Эрон, Австрия, Беларусь, Хитой, Туркия каби мамлакатларнинг етакчи компаниялари шулар

Ушбу кўргазма стендларидан гўзаллик яратиш саноати янгиликлари, лазер асбоб-анжумлари, усуналар ва препаратлар, табиий ва даволаш косметикаси воситалари ўрин олган.

Шунингдек, бугун «Ўзэкспомарказ»да кардиология ва кардиохирургия бўйича 1-халқаро илмий конференция ҳам ўтказилди. Унда Ўзбекистон, Россия ва Украинанинг ўзига ўхшаш соҳа бўлимидаги мутахассисларнинг маърузалари тинланиди.

Уйлаймики, Ўзбекистонда Соғлиқни сақлаш ҳафталигининг ўтказилиши ушбу соҳада амалга оширилаётган ислохотларнинг ривожига, жаҳондаги тиббиёт техникалари ва дори-дармонларни ишлаб чиқарувчилар билан амалий алоқалар ўрнатилишида ўзига хос ўрин тутди.

(Ўз мухбиримиз) СУРАТЛАРДА: кўргазмалар павильонларида. Наталья Семёнова олган суратлар

РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ ПРЕЗИДЕНТИ В.В.ПУТИН ЖАНОБИ ОДИЙЛАРИГА

Мухтарам Владимир Владимирович, Россия Федерациясининг биринчи президенти Борис Николаевич Ельциннинг тўсатдан вафот этгани тўғрисидаги хабар Ўзбекистонда чуқур қайғу билан қабул қилинди.

Борис Николаевич ўзининг бой тажрибаси ва билими, самимияти, Россия тақдирига бўлган юксак масъулияти ва бурчини чуқур ҳис этиши билан Россия Федерациясида ҳам, хорижда ҳам ҳақли равишда ҳурмат-эътибор қозongan эди.

Россиянинг мустақил давлат сифатида шаклланишининг янги босқичи Борис Николаевич номи билан боғлиқ бўлиб, мамлакатда эркинлик ва демократия сари йўл очган туб ўзгаришлар ва ислохотлар амалга оширилди.

Ўзбекистон халқи ва шахсан ўз номидан чуқур таъзия изҳор этиб, ҳурматли Владимир Владимирович, Сиздан Борис Николаевичнинг оила аъзолари ва ақинларига ҳамда бутун Россия халқига чин дилдан ҳамдарддигимизни етказишингизни сўрайман.

Ислолм КАРИМОВ,

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Тошкент шаҳри,
2007 йил 24 апрель

26 апрель — Амир Темур ордени таъсис этилган кун

ИФТИХОРИМИЗНИНГ БУЮК ТИМСОЛИ



ВАТАНИНГ БАЙРОҚ, МАДҲИЯ, ГЕРБИ КАБИ МУҚАДДАС РАМЗЛАРИ СИНГАРИ ОЛИЙ УНВОН, ОРДЕН ВА МЕДАЛЛАРИ ҲАМ ЮРТ МУСТАҚИЛЛИГИ, ШОН-ШАВКАТИ ТИМСОЛИДИР. БУНДАЙ ТИМСОЛЛАРГА МАМЛАКАТНИНГ ТАРИХИЙ АНЪАНАЛАРИ, МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИ, МАДАНИЙ-МАЪНАВИЙ МЕРОСИ ЎЗ АКСИНИ ТОПАДИ.

Истиклол йилларида Президентимиз Ислолм Каримов ташаббуси билан таъсис этилган Амир Темур ордени ҳам Ватанимизнинг ана шундай олий мукофотларидандир.

Амир Темур тарихимиздаги энг ёрқин, энг буюк сиймолардан бири сифатида халқимизнинг миллий ифтихори, мустақиллик ва озодлик рамзига айланган. Мана, етти асрки, Сохибқирон бобомизнинг иши, сўзи, қудрати ва даҳоси жаҳон ақлини лол қилдириб келмоқда. Мустақилликнинг илк кунлариданок, асрлар давомида аждодларимиз томонидан яратилган улғу, бебаҳо маънавий ва маданий меросни тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Илгари мустабид тузум мафкуриси таъйиқи ва таъқибида бўлган, сохталаштирилган тарихимиз холисона ўрганила бошланди. Шавкатли бобомиз Амир Темур ҳазратларининг муборак номлари янги тарихимиз саҳифасидан қайтадан жой олиши ҳам истиқлолимизнинг энг бебаҳо тўхталаридандир.

Тарихий меросни ўрганиш, таҳлил қилиш мустақил юртимизнинг ижтимоий, иқтисодий ва маданий ривожланиши, халқимизни, шу жумладан ёш авлодни миллий ифтихор ва Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялашда катта аҳамиятга эга.

Президентимиз Ислолм Каримов ташаббуси билан 1996 йили Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги мамлакатимизда ва халқаро миқёсда кенг нишонланди. Мазкур сана муносабати билан юртимизда ўша йил Амир Темур йили деб эълон қилинди. Давлатимиз раҳбарининг Фармонига биноан Амир Темур ордени таъсис этилди.

Орден саккиз қиррали бўртма юлдуз кўринишида бўлиб, унга тилла қопланган, марказида Сохибқироннинг от устидида улғур қиёфаси акс эттирилган. Тасвир остида Амир Темур салтанатида ахлоқий ва маънавий мезонга айланган — «Куч — адолатда» шиори битилган. Айни чоғда бу ҳикмат мустақил давлатимиз сиёсатининг ҳам асоси бўлиб хизмат қилмоқда.

Амир Темур ордени билан давлатчиликни мустаҳкамлашдаги улкан хизматлари, меъморчиликни, илм-фан, адабиёт ва санъатни, ҳарбий маҳоратни ривожлантиришга қўшган улкан ҳиссаси учун Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, шунингдек, давлатлараро ҳамкорликни, тинчликни ҳамда халқлар ўртасида дўстликни мустаҳкамлаш ишига алоҳида ҳисса қўшган мамлакатимиз фуқароси бўлмаган шахслар ҳам мукофотланади. «Давлат мукофотлари тўғрисида»ги Қонунда фуқаролар билан бир қаторда, айрим ҳолларда қорхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, ижодий жамоалар ва ҳарбий бўлинмалар, шунингдек, мамлакатимизнинг маъмурий-ҳудудий бирикликлари ҳам ушбу орден билан тақдирланиши мумкинлиги қайд этилган.

1996 йил 28 августда бобокалонимизнинг 660 йиллик юбилеи арафасида Президентимиз Фармониға биноан Самарқанд

анд ва Шаҳрисабз шаҳарлари Амир Темур ордени билан мукофотланди.

Маълумки, бу икки шаҳар Амир Темур ҳаёти ва фаолиятида муҳим ўрин тутган. Сохибқирон бобомиз қадим Кешда дунёга келиб, Самарқанднинг ўз салтанатининг пойтахтига айланган. Қачонки, биз Амир Темурни ёд этар эканмиз, Сохибқирон салтанатининг пойтахтини ҳам эҳтиром билан тилга оламиз. Чунки Амир Темур ва Самарқанд тушунчаларини бир-биридан айри ҳолда тасаввур этиш қийин. Самарқанд, давлатимиз раҳбари Ислолм Каримов таъкидлаганидек, ўтмиш шарфли, бугунки соадатли, келажаги абдий шаҳардир. Ушбу шаҳарнинг ана шу оламшумул шухратига, тенгсиз салобатининг юксалишига, шонли тарихига Амир Темур бобомиз беқиёс ҳисса қўшган.

Сохибқирон Самарқанднинг гуллаб-яшнаши учун бутун умрини сарф этган. Бобокалонимиз уни жаҳондаги энг қудратли давлатнинг пойтахти сифатида буюк нуфуз кашф этишини, мислсиз гўзал ва обод бўлишини, ҳар томонлама тараққий топишини орзу қилган. Амир Темур ана шу эзгу орзу йўлида бутун дунёдан моҳир меъморларни, қўли гул ҳунармандларни ўз пойтахтига жалб қилган. Уларнинг салоҳияти ва ақл-заковатини сафарбар этиб, оламда тенги йўқ меъморий муъжизаларни бунёд этган.

Амир Темурдай улғу зотни камолга етказган Кешнинг миллатимиз тарихидаги ўрни беқиёсдир. Сохибқирон ўз ота маконини беҳад қадрлаган. У хар гал сафардан қайтган, дастававал Кешни зиёрат қилган. Улғу зотларнинг тарих осмонига юксаладиган манзиллари бўлади. Шаҳрисабз Амир Темур учун ана шундай парвоз нуқтасидир.

Мустақиллик йилларида бошқа шаҳарларимиз қатори бу икки қадимий кенгта ҳам улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Ва бу эзгу иш давом этмоқда.

2004 йилнинг 13 июль кунини ўзбек ўғлини Рустам Қосимжонов шахмат бўйича Жаҳон чемпиони унвонини қўлга киритди. Бу оламшумул ғалаба ўзбек номини, Ўзбекистон шухратини янада оширди. Ҳуруримизни юксалтирди, халқимизни она Ватаниннинг нузли истиқболи йўлида янада жипслаштиришга хизмат қилди. Ёш шахматчимизнинг бу юксак ғалабаси Президентимиз Ислолм Каримов томонидан муносиб баҳоланди — Рустам Қосимжонов Амир Темур ордени билан тақдирланди.

Мана, қарийб 16 йилдирки, юртимизда беқиёс янгиликлар, улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Сохибқирон даҳоси бизни доимо олижаноблик ва бунёдкорликка қорлаб келмоқда. Зеро, бундан кейин ҳам бобокалонимиз Амир Темур сиймоси ифодаланган орден халқимизни янгидан-янги марраларга, ютуқларга ундовчи куч, миллатимизнинг гуруру ва ифтихори тимсоли бўлиб қолаверади.

Олим ТўРАҚУЛОВ,
Ўза шарҳловчиси

МАМЛАКАТИМИЗДА

●Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Давлат солиқ ва божхона қўмиталари масъул ходимлари иштирокида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг Мувофиқлаштирувчи Кенгаши йиғилиши бўлиб ўтди.

●Тошкентда «Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказининг инсон ҳуқуқлари ҳимояси соҳасида Давлат органлари билан ўзаро ҳамкорлиги» мавзусида конференция ўтказилди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, манфаатдор вазирлик ва идоралар, нодавлат ва халқаро ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

●Икки кундан буён бокс бўйича жаҳон чемпиони Руслан Чагаев ўзи туғилиб ўсган Андижон шаҳрида. Руслан аввало ўзи ўқиган 50-мактабда бўлди. Шунингдек, жаҳон чемпиони вилоят ҳокими қабул қилиб улкан ғалабаси билан кутлалди. Андижондаги Олимпия заҳиралари коллежидидаги учрашув ҳам катта тантананага айланиб кетди.

●Ўзбекистон Республикаси Кишлоқ ва деуҳўжалиги вазирлиги, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри қўмитаси, «Экосан» халқаро ташкилоти ҳамда Тошкент Давлат аграр университетидида ҳамкорликда «Экофорум» ўтказилди.

●Хитой тараққибат банки ҳамда акциядорлик тижорат Алоқабанд ўртасида 8 миллион АҚШ долларига тенг кредит шартномаси имзоланди. Кредит маблағлари «Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясига телекоммуникация ускуналарини лизинг асосида етказиб бериш лойиҳасини молиялаштиришга йўналтирилади.

●Республика Хотин-қизлар қўмитаси, хотин-қизлар нодавлат нотижорат ташкилотларининг «Меҳр» бирлашмаси ва республика «Маҳалла» жамғармаси ҳамкорликда ўтказган анжуман аёлларнинг жаҳонда тутган ўрни ва ташаббускорлигига бағишланди.

●«Экосан» халқаро ташкилотининг «Ўзбекистон темир йўллари» ДАК билан ҳамкорликда ташкил этган «Саломатлик» поезди Орол бўйига етиб келди. Ушбу тадбирдан мақсад минтақанинг энг чекка ҳудудларида яшаётган аҳолига, кам таъминланганларга, ёлғиз қарияларга инсонпарварлик ёрдами кўрсатишдир.

ЖАҲОНДА

●Германия Федерал канцлери Ангела Меркель шу йилнинг июнь ойида ушбу мамлакатда ўтказиладиган «катта саккизлик» саммитида Африка қитъасидаги муаммоларга асосий эътибор қаратилишини таъкидлади.

●Европа Иттифоқи мамлакатлари ташки ишлари вазирларининг Люксембургда бўлиб ўтган учрашувида Эронга нисбатан қўшимча жазо қораларини қўллаш тўғрисида бир қарорга келинди. Ушбу ҳужжатга кўра, эронлик қатор расмий шахсларнинг банкдаги ҳисоб рақамларини музлатиш кўзда тутилган ва уларнинг ЕИ мамлакатларига кириши таъқиқланган.

●Мамлакат парламенти томонидан ўз вакифаларини бажаришдан четлатилган Руминия президенти Траян Басеску ўз тарафдорларига мурожаат қилиб, шу йилнинг 20 майида ўтказиладиган референдумда қатнашишга қақирди. Референдумда «Сиз Президентнинг лавозимини четлатилишига розимисиз?» деган савол ўртага қўйилди.

●АҚШнинг Ироқдаги қўшинлари қўмондонлиги вакилининг расман билдиришича, Бағдоддан 100 километр нарида жойлашган Дияла музофотида амалга оширилган террорчилик ҳаракати — миналаштирилган машинанинг портлатилиши оқибатида 9 нафар америкалик аскар ҳалок бўлган, 20 нафари яраланган.

●Бугун Россиянинг биринчи Президенти Борис Ельцин Москвадаги Новодевичье қабристонига дафн этилади. Шу муносабат билан 25 апрель кунини Россияда Миллий мотам кунини дея эълон қилинди.

●БМТ Хавфсизлик Кенгаши томонидан Косово мустақиллиги масаласида Европага жўнатилаётган 15 нафар аъзо мамлакатлар вакиллари билан иборат делегациянинг Брюсселда НАТО ва ЕИ расмий вакиллари билан, Белградда мустақиллик режасига қарши чиқаётган Сербия вакиллари ва Приштинада мустақилликни талаб этаётган косоволик Албан етакчилари билан музокаралар ўтказиш режалаштирилмоқда.

●Голландиянинг «ABN Amro Holding N.V.» ва Буюк Британиянинг «Barclays Pic» банклари қўшилидан бўлди. Ушбу воқеа дунёда энг йирик банкларнинг бирилиши, дея эътироф этилмоқда. Янгидан ташкил этиладиган банкнинг бозордаги қиймати 175 миллиард долларга баҳоланапти.

●БМТ томонидан Шимолий Кореяда БМТ ривожлантириш дастури бўйича лойиҳаларнинг молиялаштирилиши тўғрисида қўйилган муносабати билан КХДР талабига кўра 9 нафар 3 майда Пхеньяндан қақириб олинади.

ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Гидрометеорология хизмати марказининг маълум қилишича, 26 апрель кунини Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайд. Шарқдан секундида 3-8 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 13-15, кундузи 30-32 даража иссиқ бўлади.

Каска сатрларда

●**БУГУН** Тошкент шаҳар ҳокимлигида Россиянинг «Лукойл Оверсиз холдинг ЛТД» компанияси ва пойтахт ҳокимлиги ўртасида ижтимоий-иқтисодий ва инсонпарварлик йўналишлари бўйича ҳамкорлик тўғрисида меморандум имзоланди.

●**КЕЧА** Ўзбек Миллий академик драма театрида Тошкент Тиббиёт академияси ташаббуси билан «Гивандликсиз ҳаёт

учун» мавзусида анжуман бўлиб ўтди. Анжуман доирасида «Гивандлик ва ОИТСга қарши» мавзусида ўқув-ижодий кўргазма уюштирилди.

●**БУГУН** Ўзбекистон Давлат консерваториясида Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон Давлат консерваторияси, «Миллий чолғу» илмий ишлаб чиқариш экспериментал лабораторияси ҳамкорликларида Озода Тошматованин «Муслиқ чолғулар музейи каталоги» тақдими ўтказилди.

●**КЕЧА** Ўзбекистон Респуб-

ликаси Болалар кутубхонасида жажжи китобхоналарнинг Ўзбекистон Республикаси Табиати муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси ходимлари билан уюштирилган учрашуви «Табиятга завол етмасин» деб номланди.

●**ТОШКЕНТ** Тўқимачилик ва энгил саноат институтида талабалар, ўқитувчилар иштирокида уюштирилган тадбирда Жанубий Корея тўқимачилик саноати янгиликларини ёшларга пухта ўргатишнинг аҳамияти борасида ўзаро ақил алмашиди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИККА ЭРИШГАНДАН СЎНГ ХУҚУҚИЙ-ДЕМОКРАТИК ҲАМДА ЭРКИН ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ БАРПО ЭТИШДЕК БУЮК МАҚСАД ПОЙДЕВОРИ БЎЛГАН КОНСТИТУЦИЯСИНИ ЯРАТДИ. НАТИЖАДА, ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ҲАЁТИНИНГ БАРЧА БЎГИНЛАРИНИНГ ХУҚУҚИЙ МАҚОМИ БОШ ҚОМУС — КОНСТИТУЦИЯДА БЕЛГИЛАНДИ.

Мана шу қисқалтиришга ўн беш йиллик давр мобайнида мамлакатимизда иқтисодий-иқтисодий, маънавий-маърифий, сиёсий-ҳуқуқий соҳаларда кенг қамровли ислохотлар ўтказилиб, улар бевосита Конституцияга таянган ҳолда амалга оширилди. Жумладан, ҳуқуқий-демократик ҳақда эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлида қонун устуворлигига эришиш учун суд-ҳуқуқ тизими ислох қилинди.

Жиноий жазоларни либераллаштириш натижасида инсон кадр-қиммати ва унинг ҳуқуқ ва эркинликларини энг олий қадрият даражасига кўтарилди, десак адашмаймиз. Бунинг исботи сифатида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 1-августдаги «Улим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги ҳақда «Қамоққа олиш санкциясини судларга олиб бериш тўғрисида»ги Фармонларини жиноий жазоларни либераллаштириш борасидаги ислохотларнинг юқори нуқтаси

Ҳуқуқий давлат сари

КЕНГ ҚАМРОВЛИ ИСЛОХОТЛАР САМАРАСИ

сифатида эътироф этишимиз мумкин. Жумладан, улим жазосини бекор қилиш бўйича ҳаракат кечагина бошланган эмас, уни бекор қилиш ва инсоннинг яшаш ҳуқуқи дахлсизлигини таъминлашга қаратилган мақсадни амалга ошириш мамлакатимизда тадрижий равишда татбиқ этилмоқда.

Маълумки, 1994 йилги Жиноят кодекси қабул қилинганида, 13 та моддада жазо чораси сифатида улим жазоси кўзда тутилган бўлса, улим жазоси қўлланиши мумкин бўлган жиноятлар таркиби 33 тани ташкил этарди. 1998 йили бу жазо тури Жиноят кодексининг бешта моддасидан, 2001 йилда эса, яна тўртта моддадан олиб ташланди. Унинг босқичма-босқич қисқариши натижасида 2003 йилнинг декабрига келиб фақатгина иккита моддада: қасддан одам ўлдирди (97-модданинг иккинчи қисми), терроризм (155-модданинг учинчи қисми) сарқилиб қолган эди. Бундан ташқари улим жазоси аёлларга, олтиш ёшдан ошган эркакларга ва ўн саккиз ёшга тулмасдан жиноят содир этган шахсга нисбатан қўлланилиши мумкин эмаслиги белгиланган эди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Улим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги Фармони Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари-

ни таъминлаш соҳасида қабул қилинган таъминлашга қаратилган мақсадни амалга ошириш мамлакатимизда тадрижий равишда татбиқ этилмоқда.

Шуниси диққатга сазоворки, бу жараён мамлакатимизда бирданига эмас, балки босқичма-босқич амалга оширилди. Фармоннинг кучга кириши 2008 йил 1 январга белгиланиши ҳам бежиз эмас, чунки Фармон ижросини таъминлаш учун бир қанча ишларни амалга ошириш керак бўлади.

Фармонни кенг жамоатчиликка тушунтириш ишларини олиб бориш масаласи энг биринчи ўринга қўйилди, чунки жамиятимизда улим жазосига жиноятчиликнинг олдини олувчи восита сифатида қараб, унинг бекор қилиниши жиноятчиликнинг кўпайишига олиб келади, деб фикрловчилар ҳам борлиги ҳисобга олинди. Бироқ яшаш ҳуқуқи инсоннинг энг олий ҳуқуқи ҳисобланиб, у Оллоҳ томонидан берилган. Шу боис инсонни ҳаётдан маҳрум қилишга, ундан ўзга ҳеч қим ҳақи эмасдир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 24-моддасида айтилганидек, «Яшаш ҳақи бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир».

Юқоридаги Фармоннинг яна бир ижобий жиҳати шундаки, улим жазосига ҳужм қилин-

ганлар орасига бутунлай айбисиз кишилар ҳам тушиб қолши мумкин. Ҳатто замонавий юридик ва криминалистик имкониятлар ҳам бундай ҳаётларнинг бўлмаслигига қаноқат беролмайди.

Хулоса ўрнида шуниси айтишимиз ўринлики, ҳар бир давлатда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг қай даражада таъминланганлиги мамлакатдаги сиёсий тузумнинг характерини, давлатнинг қанчалик демократлашганлигини кўрсатади. Ўзбекистон Республикасида ўтказилган ислохотлардан келиб чиққан ҳолда, шуниси таъкидлаш мумкинки, ҳозирги кунда давлатимизда инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминловчи қарорлар тизими яратилди. Ушбу тизим асосларидан бири бўлган мазкур Фармон Ўзбекистонда инсоннинг энг олий ҳуқуқини яна бир бор юқори даражага кўтарди десак адашмаймиз. Зеро, Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқий демократик давлат ва фарован фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлидаги асосий мақсади ҳам инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини олий даражада таъминлашдан иборатдир.

Дилшод ХУЖАНОВ, Тошкент Давлат юридик институти талабаси

Иқтисодиёт

ҚАДОҚЛАШГА ЭЪТИБОР

БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ШАРОИТЛАРИДА ВА ТАЛАБЛАРДАН КЕЛИБ ЧИҚИБ КОРХОНАЛАРДАГИ ЭСКРИГАН ДАСТОҲ ВА УСКУНАЛАРНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ, ЗАМОНАВИЙ ЛИНИЯ ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР ҚЎВВАТИДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНИШ СИФАТЛИ ВА БОЗОРБОП МАҲСУЛОТЛАР ТАЙЁРЛАШДА, УЛАРНИНГ НАФАҚАТ ИЧКИ, БАЛКИ ТАШҚИ БОЗОРДА ҲАМ ХАРИДОРГИРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА МУҲИМ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТМОҚДА.

Буни тадбиркорлик билан фаолият юритиб, маҳсулотлари чиройли қадоқланиши ва сифатини таъминлаётган «Янгийўлғей» акциядорлик жамияти мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. 750 нафардан зиёд ишчи-хизматчи меҳнат қилаётган ушбу жамоада маҳаллий хом ашёни қайта ишлаш асосида ёғ, хўжалик совуни ва бошқа халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилади.

— Яқинда Ҳиндистоннинг «Альфа-Левол» Фирмасидан янги — ювиб, қурутувчи сепаратор ускунасини келтириб ўрнатдик,— дейди бош муҳандис Обиджон Юнусов.— Бу албатта маҳсулотларимиз сифатини янада оширишда катта ҳисса қўшади.

Тадбиркорлар бозор талаби асосида тозаланган ёғларни 1 ва 5 литрлик пластмасса идишларда сотувга чиқармоқда. Шуниси алоҳида таъкидлаш ўринлики, иқтисодиётимиз ривожига муҳим ҳисса қўшиш ниятида бўлган жамоа аҳли ишлаб чиқарётган ёғ ва хўжалик совуни Афғонистон, Тожикистон ва бошқа қўшни давлатларга ҳам экспорт қилинмоқда. Корхонада ишчи ходимлар учун яратилган меҳнат қилиш ва дам олиш шароитлари сифат ва самарадорлиқни таъминлашда катта аҳамиятга эга бўляпти. Шуниси айтиш лозимки, ўтган уч йил давомида корхонада 1 миллион 500 минг сўмлик хорижий инвестициялар киритилди. Ҳозирда эски дастоҳ ва ускуналарни янгилаш давом этмоқда. Бу маҳсулот сифатини жаҳон андозалари даражасига етказишда қўл келади.

ЭКОЛОГИК ТОЗА МАҲСУЛОТЛАР

ИЗЛАНГАН ИМКОН ТОПАДИ, ДЕГАН ГАП БЕКОРГА АЙТИЛМАГАН. ЧИНДАН ҲАМ БУГҮН ЎЗ ФОЯСИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЙЎЛИДА ИНТИЛГАН, АСТОЙДИЛ ҲАРАКАТ ҚИЛГАН ТАДБИРКОРНИНГ ОШИҒИ ОЛЧИ, ИШЛАРИ УНУМЛИ.

Luffa табиий ўсимлигидан самарали фойдаланган ҳолда экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқарётган хусусий тадбиркор Матлуба Исмоиловани ана шундай изланувчан инсонлар сирасига киритсак арзийди. Унинг замонавий технологиялар асосида ишлаб чиқарётган маҳсулотлари пойабзал, ёстиқ, тўшақ сингари буюмлар нафақат ишлатишда қулайлиги, балки соғлиқингизга фойдаси билан ҳам ажрალიб туради.

Ўтган қисқа давр мобайнида маҳсулотлар тури 40 хилдан ортиб кетди. Айниқса, уларнинг дизайнига қаратилган эътибор харидорларни ҳам мамнун этмоқда. Ҳозирда хусусий тадбиркор 30 дан зиёд шогирдлар тайёрлаш баробарида, Luffa табиий ўсимлигини ўзи етиштирмоқда. Бу эса маҳсулот ишлаб чиқариш ҳақми ортиши, таннархи пасайишида муҳим аҳамият касб этади. Келгусида эса Матлуба Исмоилова янги цех очиб соч ювчи воситалари ишлаб чиқаришни режалаш турибди.

Шарофат БАХРОМОВА

ЭҲТИЁЖ ВА ЗАРУРАТ УЙҒУНЛИГИ

МАЪЛУМКИ, КУНДАЛИК ҲАЁТИМИЗДА ФУҚАРОЛАРИМИЗНИНГ ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ МУНОСАБАТЛАРИДА ПУЛ МУОМАЛАСИ ЎЗГА ХОС АҲАМИЯТГА ЭГА. ЗЕРО, ПУЛ МУОМАЛАСИ МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЁТИНИНГ ТАРАҚҚИЙПАВВАРИК ДАРАЖАСИНИ КЎРСАТИБ ТУРАДИ ВА ҚОЛАВЕРСА, УМУМДАВЛАТ НУҚТАИ НАЗАРИДАН МАЪЛУМ МАЪНОДА МАМЛАКАТ ОБРЎЙИНИ ВА МИЛЛИЙ ҒУРУРИНИ ҲАМ БЕЛГИЛАЙДИ.

Ўзбекистоннинг ўз миллий пули, яъни сўм 1994 йил 1 июлдан бошлаб жорий қилинди. Миллий валютани жорий қилишда мамлакатимиз ўз танлаган йўлидан борди ва ҳозирча бу борада маълум тажриба ва эришилган самаралар бизни қувонтиради.

Тезкор тараққиёт асрида кундалик ҳаётимизда электрон пулларнинг пайдо бўлиши, банклараро пул жўнатмаларининг амалга оширилиши, банк тизимининг мунтазам ривожланиши, пул-кредит сиёсатининг изчил амалга оширилиши бу борадаги ишларни мувофиқлаштириш учун замин ҳозирлайди.

Соғлом пул тизимисиз иқтисодиёт ривожлана олмайди. Маълумки, пул, унинг ҳаётимизда турган ижтимоий ўрнини англаш фақат мутахассислар зиммасидаги бурчгина бўлиб қолмай у ҳар бир юртдошимиз учун ҳам заруратдир. Кейинги вақтда мамлакатимизда иқтисодий мавзудаги нашрлар сони кўпайди. Бу албатта аҳолининг бу йўналишдаги дунёқарашининг яна ҳам юксалиши учун имкон туғдиради. Аммо фуқароларимизнинг ҳозирги иқтисодий билим даражасидан келиб чиққан ҳолда кундалик ҳаётимизда пул муомаласи, унинг ҳаракати борасидаги тасавурларини юқори деб бўлмайди. Шу боисдан бу борада фақат иқтисодиёт йўналишидаги олий ўқув юрлари, ўрта махсус билим юртидагина эмас, балки оммавий равишда аҳолининг дунёқарашини кенгайтириш, иқтисодий билимларини мустаҳкамлаш зарур. Албатта, пул рамиий маънода ҳам аҳамиятга эга. Шу боис миллий валютамизга гурур ва ифтихор билан қараш ҳар бир юртдошимизнинг қалбига бўлиши лозим. Фуқароларнинг пул-кредит сиёсати ҳақида тушунарлари бу борада ўз мақсадлари йўлида ўринли фойдалана олишлари, пул муомаласининг жонли тарзда ривожланишига олиб келади. Ўзбекистон жаҳон миқёсида ўз танлаган йўлидан оғшимай жадал ривожланиб борапти ва ўйлаймизки бизнинг миллий валютамиз ҳам жаҳоннинг кўзга кўринган давлатлари пул бирликлари қаторидан ўрин олади.

Обабек ТЎРАЕВ, Тошкент Иқтисодиёт университети магистранти

2007—Ижтимоий ҲИМОЯ ЙИЛИ САҲОВАТДАН ДИДЛАР ЯЙРАДИ

ИНСОНГА АТО ЭТИЛГАН ЮКСАК ФАЗИЛАТЛАР ОРАСИДА МЕҲР-МУРУВВАТ, САҲОВАТ АЛОҲИДА АҲАМИЯТ КАСБ ЭТАДИ. УЎБ БОРАЁТГАН ЙИЛИМИЗНИНГ «ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ЙИЛИ» СИФАТИДА ЭЪТИРОФ ЭТИЛИШИ, БУ БОРАДАГИ АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИШЛАРНИНГ САМАРАСИ ЎЛАРОҚ ДАВЛАТ ДАСТУРИНИНГ ҚАБУЛ ҚИЛИНИШИ АНА ШУ УМУМБАШАРИЙ ТАМОЙИЛНИНГ ЯНА БИР ҚАРРА БЎЙ КЎРСАТИШИДА МУҲИМ ОМИЛ БЎЛДИ.

Шу маънода Собир Раҳимов туман ҳокимлиги, туман «Маҳалла» хайрия жамғармаси, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати—Ўзбекистон Либерал-демократик партияси туман Кенгаши ҳамкорлигида «Шарк» ресторанида ўтказилган меҳр-мурувват, хайру саҳоват тадбири фикримизнинг исботидир. «Меҳр-мурувват—инсоний ҳислат» мавзусидаги кечада ўзбекиона дастурхон ёзилиб, бир пайла чой баҳонасида 29 нафар ижтимоий ҳимояга муҳтож оила фарзандларининг суннат тўйи бўлиб ўтди. Худди шундай оила вақиларига музлатгич, кир ювиш машинаси, рангли телевизор, ногиронлик аравачалари, эшитиш мосламалари, кийим-кечаклар топширилди.

— Халқимиз азал-азалдан меҳр-мурувватни, саҳоватни ўзининг ҳаётий шиори, маслаги деб билган,— дейди Собир Раҳимов туман ҳокимлиги масъул ходими Равашан Мухаммадалиев биз билан сўхбатда. — Бугун ҳомийларимиз, мутаассадди ташкилотларимиз томонидан амалга оширилаётган ушбу тадбир ана шу қадимий анъананинг бардавомлигига муносиб ҳисса бўлиб қўшила олган бўлса биз ўзимизни бахтиёр ҳис этган бўлардик.

Таъкидлаш жоизки, саҳоват тадбирининг қўлама фақатгина юқорида санаб ўтилган жиҳатлар билангина чекланиб қолгани йўқ. Кеча давомида коммунал тўловларда катта қарздор оила вақилларига 10 миллион сўмлик, олий ўқув юрлари, касб-ҳунар коллежларида таҳсил олаётган 15 нафар жисмоний имкониятлари чекланган талабаларга эса 750 минг сўмлик моддий ёрдамлар кўрсатилди.

Айниқса элимизнинг ардоқли санъаткорлари—Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ артисти Мухаммадали Абдуқудушов, комик ролларнинг моҳир ижрочиси, Ўзбекистонда қизмат кўрсатган артист Мадинахон Мухтороваларнинг ташриф буюриши байрамона безатилган даврага янада шухуқ, фазл олиб кирди. Уларнинг самийий қўлловлари меҳрога ташна қалбларнинг олқишлари билан қарши олинди.

Бир сўз билан айтганда, мазкур тадбир Собир Раҳимов туманида «Ижтимоий ҳимоя йили»да олиб борилаётган ишларнинг ўзига хос кўзгуси бўлиб қолди. Зотан, ҳазрат Алишер Навоий айтганидек: «Кимки бир кўнгли ғарбининг хотирин шод айлагай, онча борким Қазба вайрон ўлса обод айлагай».

Хидирали ПАНЖИЕВ



Хунари гўзаллар

НОЗИК ДИД ЭГАЛАРИ

ХАЛҚИМИЗ АЗАЛДАН ҲУНАРМАНДИЛИКНИ ЭЪЗОЗЛАБ КЕЛГАН, ОТА-БОБОЛАРИМИЗНИНГ ГҮЛДЕК ҲУНАРЛАРИ ЭВАЗИГА ЯРАТИЛГАН ДУРАДГОРЛИК, МИСГАРЛИК, КУЛОЛЧИЛИК, САНДИҚСОЗЛИК, ЗАРГАРЛИК, БЕШИКЧИЛИК, ГАНЧКОРЛИК, ТЕМИРЧИЛИК ВА БОШҚА ЖУДА КЎПЛАБ АШЁЛАР БАРЧАНИ ЛОЛ ҚОЛДИРИБ, МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗГА АЙЛАНГАН.

Момоларимиз қалб кўриу хунарга беҳиёс меҳри билан яратилган каштачилик, зардўзлик, тикувчилик буюмларида ҳамма шарқона урф-одатларимиз уфуриб турган, дилларимизда фахрланиш ҳиссини уйғотган. Шуниси ниҳоятда қувонарлики, мустақилликка эришганимиздан сўнг тадбиркорликка очилган кенг йўл, хунармандчиликка қаратилган улан эътибор, уларга берилган имтиёз ва имкониятлар боис хунари гўзал ҳамкорларимиз эришаётган ютуқлардан, изланишлардан ҳар қанча фахрланиш мумкин. Айниқса, мамлакатимизда Президент соврини учун

анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Ташаббус» кўрик-танлови янги-янги хунаргаларини кашф этмоқда, уларнинг доврўғини оламга ёймоқда.

— Бешиқсозлик бизга ота-боболаримиздан мерос хунари саналади,— дейди бешиқ устаси Рихси я Я Комилова. — Шу боис ҳам ўғилларим пишқ ва пухта ёғочдан фойдаланиб бешиқ ясабса, қизларим ва келинларим уларга пардоз беришади, керакли ашёларни тикишади. Дунёга келган гўдакнинг ором олиши, тиниқли ухлаши учун барча қулайликларни яратамиз. Меҳнат қилар эканмиз, дилмизда ҳаммиша болажонга меҳр-муҳаббат ҳукмрон бўлади. Бежизга «Бешиқ боласи — бек боласи» дейилмаганку. Ҳар қанча фахрлансак арзийдики, биз ясаган ва беазаган бешиқларда юзлаб, минглаб ўғил-қизлар воғга етмоқда. Ҳар йили «Ташаббус» кўрик-танловида қатнашиб янги ютуқларимиз билан фахрли ўринларга сазовор бўламиз. Албатта, келгусида эзгу ишларимизни набираларимиз давом эттиришади, бешиқларимиз асрлар оша хизмат қилади.

— Каштачиликни энг аввало буви-жонимдан ўрганганман,— дейди моҳир каштачи Нилуфар Исманова. — Бугун эса ёш бўлишимга қарамай

шогирдларим бир талай. Адрас, бўз матоларига ип ва ипақлардан жило бериб нақш ва гуллардан мўъжиза яратамиз. Энг қувонарлики, маҳсулотларимизни хорижга ҳам сотаямиз, халқаро кўргазмаларда эътироф этилмоқда.

Янги келинчақларимизнинг зардўзлик санъати эъзозиде яратилган либосларини, хонадонларидаги ашёлари кимларни мафтун этмайди дейсиз. Раққосларимизнинг нафис хиромига ҳам зардўзи либослар ажиб ҳозиб бағишлайди. Зардўзлик хунарининг ҳам ўз йўналишлари бўлиб, айниқса ялтироқ ипақлар жилоси ҳар қандай буюмга ўзгача чирой бахш этади. Пойтахтимиз хунарманлари орасида ҳам момолардан мерос ушбу хунарни эъзозлаётганлар кўпчиликини ташкил этади. Улар ҳар бир қатига меҳрини муҳассам этиб яратаётган маҳсулотлари эса кўзларни камаштиради, дилларни яратлади. Ана шунда бундай мўъжизаларни яратаётган нозик дид эгаларининг санъатига, сабр-қаноатига тасаннолар айтигн келади.

Шарифа ИЛЁСОВА

СУРАТЛАРДА: Юнусобод туманида фаолият кўрсатаётган хусусий тадбиркор Вилот Иноятова тикаётган зардўзлик ашёлари турлари 30 дан ортиб кетди; Барчани Аҳмедова тиккан зардўзлик буюмлари барчани мафтун этади; «Зардўзлик хунари менга ёқади», дейди унинг сирларини мукамал ўрганаётган Дилноза Камолова.

Солиқ

РЕЖАДИ ТАДБИРЛАР АСОСИДА

ДУНЁ ИҚТИСОДИЁТИ ТАРИХИДАН МАЪЛУМКИ, ҲАР ҚАНДАЙ РИВОЖЛАЁТГАН МАМЛАКАТ БИРИНЧИ НАВБАТДА СОЛИҚЧИЛИК ТИЗИМИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАТИРИШ ВА ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА АСОСИЙ ЭЪТИБОРНИ ҚАРАТАДИ. ЧУНКИ, ИСТАЙМИЗИ—ЙЎҚМИ СОЛИҚ ТИЗИМИ ҲАММА ЗАМОНЛАРДА ҲАМ МАМЛАКАТНИНГ ТАЯНЧ НУҚТАЛАРИДАН ҲИСОБЛАНИБ КЕЛИНГАН. МАМЛАКАТИМИЗ ХУҚУМАТИ ТОМОНИДАН ИЛК МУСТАҚИЛЛИК ДАМЛАРИДАН ҚОЧАНА ШУ СОҲАНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА РИВОЖЛАТИРИШ УЧУН БАРЧА ИМКОНИАТЛАРИНИНГ ИШГА СОЛИНГАННИНГ САБАБИ ҲАМ АНА ШУНДА.

Бугунги кунда ана шу эътибор туфайли республикамизда солиқчилик тизими шаклланишдан ривожланиш босқичига қадам қўйди. Эндиликда солиқ тизими тақомиллашибгина қолмай, жисмоний ва юридик шахсларга қатор имтиёз-қулайликлар яратила бошланди. Бу эса нафақат соҳа ходимлари, балки фуқароларимизга ҳам катта масъулият юқлайди.

Айниқса, Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2007 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисида Президентимиз томонидан давлат солиқ органлари фаолиятига танқидий нуқта-назардан баҳо берилиб, қатор вазифаларнинг белгила-ниши ҳар бир давлат солиқ идораси ходимининг ўз касбияти нисбатан масъулият билан ёндашишини талаб этмоқда.

— Шулардан келиб чиқиб, 2007 йилга мўлжалланган аниқ дастурий режамизни ишлаб чиқдик,— дейди биз билан сўхбатда Мирзо Улугбек тумани давлат солиқ инспекцияси бошлигининг биринчи ўринбосари Дониёр Усмонов. — Унга қўра, бюджет ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалар олдидеги боқиманд қарзлар, пул маблағларининг банкдан

ташқари айланишини қисқартириш, хуфёна иқтисодиётнинг олдини олиш, савдо ва пул муомалаларига қатъий риоя этиш ҳар бир идорамиз ходими зиммасига юклатилди. Бу борада худудимизда фаолият кўрсатаётган тадбиркорларга тушунтириш ишлари олиб борилди. Давра сўхбатлари ташкил этилди. Мана шу ишларнинг самараси ўлароқ жорий йилнинг дастлабки чорак бюджет кўрсаткичлари салкам 102 фоиз, шахар маҳаллий бюджет режаси 127,2, туман бўйича кўрсаткич эса 100 фоиз этиб бажарилишига эришилди. Шунингдек, пенсия, йўл ва мактаб таълимини ривожлантириш жамғарма тўловлари ҳам ортиги билан ууддаланди. Бундан ташқари туман давлат солиқ идораси ходимларининг солик-ҳаракатлари натижасида барча солик турлари бўйича белгиланган режа кўрсаткичлари бажарилиди. Аммо шунга қарамадан, айрим корхона, ташкилот раҳбарларининг ўз ишларига совуқонлик билан қараётганликлари кишини ташвишлантиради. Бу эса туман иқтисодиётига таъсир кўрсатибгина қолмай, ортиқча боқимандлик қарзларнинг тўпланиб қолишига сабаб бўлмоқда. Утган чоракда мазкур ҳолат бўйича 45 та корхонанинг боқиманда қарзини мол-мулкдан ундириш учун шахар

хўжалик судига даъво аризаси киритилди. Бунинг натижасида улардан 3733,8 миллион сўм миқдордаги боқиманда тўлиқ ва қисман ундирилди. 2007 йил 31 мартдаги ҳукумат комиссиясининг қарори асосан 25 та корхонанинг 46976 миллион сўмлик боқиманда қарзини ундириш мuddати узайтирилди. Айни пайтда Ўзбекистон Республикаси «Банкротлик тўғрисидаги» қонуни асосида бюджет олдида мuddати ўтган ундирилиши умидсиз боқиманда суммаларини қисқартириш мақсадида 2007 йил 1 апрел ҳолатига 330,8 миллион сўм боқимандаси мавжуд 4 та корхонани банкрот деб эътироф этиш учун хўжалик судига аризалар киритилди. 5 та корхона 122,2 миллион сўмлик қардорликка Тошкент шахар хўжалик суди томонидан банкрот ҳақ топилган ва 2007 йил 1 апрел ҳолатига 4 та корхона 77,4 миллион сўмлик боқимандаси мавжуд корхона давлат рўйхатидан ўчирилиб, боқиманда қарзи шу суммага қисқартирилди. Бундан ташқари умумий суммаси 84,5 миллион сўм боқиманда қарзи бўлган, фаолият кўрсатмаётган 95 та корхонани тугатиш ишлари якунланди.

Маълумки, нақд пулнинг банк орқали айланиши ниҳоятда муҳимдир. Шу мақсадда 92 мартаба қисқа мuddатли назо-

рат текшируви ўтказилди. Ушбу рейдда 35 ҳолат бўйича қонун бузилиш ҳолатлари аниқланиб, 15 миллион сўмдан зиёд-роқ молиявий жарима қўлланилди. 23 ҳолатда нақд пул тушумини яшириш ҳолатлари бўйича 2 миллион сўмлик жарима ундирилди. Шунингдек, қатор жисмоний ва юридик шахсларга ҳам тақдиминома киритилиб, маъмурий жарима қўлланилди. Банк ходимлари билан ҳамкорликда хўжалик юритувчи субъектларда 3702 мартаба мониторинг тадбирлари ўтказилиб, 457 миллион сўмлик маблағнинг банк орқали айланишига эришилди.

Айни пайтда мuddати ўтган дебитор қарзларни ундириш бўйича ҳам қатор тадбирлар ўтказилмоқда. Бугунги кунда худудимизда мuddати ўтган дебитор қарзи мавжуд бўлган 108 та корхона бўлиб, улар бўйича ҳам зарурий чора-тадбирлар қўрилмоқда, яъни тўпланган ҳужжатлар ҳуқуқни муҳофиза қилиш органларига юборилди.

Солиқ инспекцияси ходимларининг аҳиллик билан олиб бораётган сая-ҳаракатлари самараси ўлароқ ўтган йилнинг 1 апрел ҳолатига нисбатан дебитор қарзлар 30,524 миллион сўмга камайитирилишига эришилди.

Хуллас, банкда нақд пул айланишини таъминлаш, хуфёна иқтисоднинг олдини олиш, алкогольли маҳсулотлар соти-лиши устидан назоратни кучайтириш, дебитор қарзларни ундириш бўйича олиб бораётган тадбирларимиз ўз самарасини берапти. Ўйлаймизки, келгуси фаолиятимизда ҳам туман миқёсида қонун бузилиш ҳолатларининг олди олинади. Бу эса иқтисодиётимизнинг янада гуллаб-яшнаши учун хизмат қилади.

Даврон НУРМУҲАМЕДОВ



№ 4 (178) Тошкент шаҳар табиатни муҳофизат қилиш қўмитасининг саҳифаси

МАЪЛУМКИ, ЎЛКАМИЗГА БАҲОР ФАСЛИНИНГ КИРИБ КЕЛИШИ БИЛАН ХАЛҚИМИЗ ЭЗГУ ТИЛАКЛАР ИЛА ЕРГА НИҲОЛ ҚАДАЙДИ, БОҒ-РОҒЛАР, КЎЧАЛАР, МАҲАЛЛА, МАЙДОН ВА ХИБОНЛАРДА ОБОДОНЛАШТИРИШ, КЎКАЛАМЗОРЛАШТИРИШ ИШЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАДИ.

АТРОФ-МУҲИТ КЎРКИ — ИНСОН МЕҲНАТИ БИЛАН

Ана шундай чиройли, эътиборга лойиқ удумларимизни давом эттиришдек вази-фаларни ўз олдига мақсад қилиб қўйган 1-Тошкент Педагогика коллежи ўқитувчи ва ўқувчилар жамоаси коллеж ҳудуди ҳамда ён атрофларни ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш борасида талайгина ишларни амалга оширдилар. Жумладан, умумий майдони 7,2 гектарга тенг бўлган коллеж ҳудудидаги 1200 туп манзарали ва мевали дарактлар бир хилда шакл берилиб, тартибга келтирилди. Қуриб қолган дарактлар ўрнига ва буш ерларга, коллеж ён атрофи-

га 110 туп игнабаргли, 60 туп сосна арчиси, 50 туп япон софораси, 100 туп манзарали ясен кўчати, 80 тупга яқин турли хил мевали дарактлар кўчатлари экилди. Албатта, бу борадаги ишлар коллежда меҳнат қилаётган ўқитувчи-мураббийлар, ишчи-хондонлар ҳамда тахсил олаётган ўқувчилар учун экологик муҳитнинг тоза, мусоффо, талаб даражасида бўлишини таъминлашга маълум даражада таъсир қилади.


ланди, спорт майдончалари тартибга келтирилиб, зарурий таъмирлаш ишлари ўтказилди, автоуловлар учун алоҳида тўхташ жойи қурилди.

Инсон борки, доимо гўзалликка, нафосатга интилиб яшайди. Яшаш ва ишлаш маконини имконият даражасида тоза, саришта, гўзал қилишга, кўкаламзорлаштиришга ҳаракат қилади. Коллеж жамоаси ҳам ҳудуддаги йўлак ва йўлакчалар атрофлари, буш ерлар, кичик кўчат ораларини гулзор қилишга астойдил бел боғлаган. Қўп йиллик турли хил гул кўчатлари экилди, бир

йиллик ҳар хил манзарали гуллар экиш ишлари олиб борилмоқда. Амалга оширилган бу каби ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари она табиатимиз доимо инсон меҳнати, унинг эътибори билан кўркли, гўзал эканлиги ҳақида далолат беради.

Б.УЛАШЕВ,
1-Тошкент Педагогика коллежининг
Ижтимоий фанлар кафедраси ўқитув-
чиси,
Орзикул ТУРОБОВ,
Чилонзор тумани давлат ноziри

САХОВАТДАН ЧЕТДА ҚОЛМАЙЛИК



Мамакатимиз пойтахти—Тошкент шаҳри-да жойлашган, халқимиз маънавий меросининг узвий бир қисми бўлган Ҳазрати Имом (Ҳас-тимом) меъморий мажмуасида қурилиш, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларини амалга ошириш мақсадида «Ҳазрати Имом (Ҳас-тимом) жамоатчилик жамғармасини қўллаб-қувватлаш тўғрисида» Президентимиз томонидан қабул қилинган Қарор бутун ҳамюртларимизнинг кўнгилларини хушнуд этди. Зеро, ушбу Қарор муқаддас ислом дини ва фалсафасини, унинг инсонпарварлик ғояларини кенг ёйишга хизмат қилиб келаётган йирик илмий-маърифий марказнинг асл тарихий қиёфасини тиклаш, бу ерда кенг қўламли қурилиш-таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларини амалга ошириш, мажмуанинг инфратузилмасини ҳар томонлама ривожлантиришда муҳим ўрин тутади.

Ўйлаймики, мамлакатимизда бу улғу ва савобли ишга ўз ҳиссасини қўшиш ниятида бўлган инсонлар, корхона, ташкилот ва муассасалар, тадбиркор ва ишбилармонлар қўллаб топилари.

Биз газетамиз орқали ана шундай саховат-пешаларга

ҲАЗРАТИ ИМОМ (ҲАСТИМОМ) ЖАМОАТЧИЛИК ЖАМҒАРМАСИНИНГ ҲИСОБ РАҚАМЛАРИНИ МАЪЛУМ ҚИЛАМИЗ:
СТПР: 206849483
МФО: 00423
Ҳ/р: 20212000604589442001
АТИБ Ипотека банки Меҳнат филиали.

Таълим

КАФЕДРА—35 ЁШДА

«ЙЎЛ ҚУРИЛИШИ МАШИНАЛАРИ ВА ЖИҲОЗЛАРИ» КАФЕДРАСИ ЎЗИНИНГ 35 ЙИЛЛИК САНАСINI НИШОНЛАДИ. ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛЬ ВА ЙЎЛЛАР ИНСТИТУТИНИНГ БУ ТЎНҒИЧ КАФЕДРАСИ ШУ ДАВР МОБАЙНИДА УЧ МИНГ НАФАРДАН Ортиқ МУҲАНДИСНИ МУСТАҚИЛ ҲАЁТГА ЙЎЛЛАДИ.

Кафедра олимларининг тавсиялари асосида қатор йирик бунёдкорлик ишлари бажарилди. «Тошкент трактор заводи» акциядорлик жамияти мутахассислари билан ҳамкорликда кўп мақсадли йўл қурилиш машиналари яратилди. Ўзбекистон Фанлар академиясининг Механика институти ҳамда «Ўзмаш-сервис» давлат патент идораси билан яқин алоқа йўлга қўйилди.

Кафедра олимлари изланишлари билан ўндан ортиқ ўқув адабиётлари юзга келди.

КОРХОНАЛАР БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АВИАЦИЯ ИНСТИТУТИНИНГ «ФИЗИКА ВА КИМ» КАФЕДРАСИ ФАОЛИЯТИ КЕНГАЙИБ БОРМОҚДА. БУ ЕРДА ТАЛАБАЛАР БИЛИМЛАРИНИ АМАЛИЁТ БИЛАН ЎЙҒУНЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШГА КАТТА АҲАМИЯТ БЕРИЛМОҚДА.

«Электротехника ва фотоэлектрон техник курилмалар» деган мавзудаги тадқиқотлар ҳам қурилган натижаларни берди. «Металларга ишлов бериш», «Учиш» аппаратларининг радиоэлектрон курилмалари мавзуларида олиб борилган изланишлар яхши самаралар билан якунланди.

Бу каби тадқиқотлар Ўзбекистон Фанлар академиясининг «Физика-кўёш» институти, «Фотон» корхонаси мутахассислари билан ҳамкорликда амалга оширилди.

ЕТАКЧИ ФАКУЛЬТЕТ

«ЕРДАН ФЙДАЛАНИШ ВА ЕР КАДАСТРИ» ФАКУЛЬТЕТИ ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ ИНСТИТУТИДА ЕТАКЧИ ЎРИН ТУТАДИ.

Кишлоқ ва сув ҳўжалигига малакали ёш мутахассислар етказиб бераётган мазкур факультет кафедралари ўқув амалиётларидан катта бир қисми олий ўқув юртининг полигонларида олиб борилмоқда.

Бундан ташқари кафедралар ҳузурида «Ёш геодезист», «Кадастрчи» илмий тўғараклари ташкил этилди.

Тўпроқшунослик ва деҳқончилик асослари кафедраси тавсиялари ҳам амалиётга татбиқ этилди.

Акбар АЛИЕВ

ТАБИИЙ РЕСУРСЛАРДАН САМАРАЛИ ФЙДАЛАНИШ, АТМОСФЕРА, СУВ ВА ЕР РЕСУРСЛАРИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ, ЧИКИНДИЛАРНИ УТИЛИЗАЦИЯЛАШ, ҚАЙТА ИШЛАШ, ТАБИИЙ ҲУДУДЛАРНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВА ЭКОЛОГИК ҲУҚУҚ ВА ТАРБИЯ МУАММОЛАРИНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ҲАР БИРИМИЗНИНГ БУРЧИМИЗДИР.

ТАБИАТГА МЕҲРИ БЎЛАЙЛИК

Атроф-муҳитни муҳофизат қилиш масалаларидан аҳолининг етарлича бахдор эмаслиги асосий муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Мамлакатимизнинг экологик хавфсизлиги, унда яшовчи инсонларнинг тақдири албатта ушбу муаммолар билан chambарчас боғлиқдир. Узок йиллар давомида биз табиатдан фақат тартиб олдик, аммо келажак тақдиримизни ўйламадик. Натижада шу табаррук заманимизни таҳликада қолдириб, бу билан биз фақат табиатнигина эмас, балки ўз-ўзимизни ҳам жароҳатладик. Хозирги даврда экологик вазиятнинг қалтислиги ҳаммамиз учун сир эмас.

Табиатнинг захарланиши оқибатида инсон зарар кўрмоқда. Фарзандларнинг соғлом туғилиши, турли хил касалликларнинг пайдо бўлишининг олдини олиш учун ҳаммамиз биргаликда ҳаракат қилишимиз керак. Дунёдаги барча мамлакатлар экологияга, атроф-муҳит муҳофазасига катта эътибор беради. Ривожланган мамлакатларда табиатни ифлослантирган фуқаролар учун катта жарималар белгиланган. Кўча ва йўлаклар канчалик озода сақланса, кўкаламзорлаштирилса ҳар хил юқумли касалликлар камаяди, фарзандларимиз ҳам шунчалик соғлом бўлишади. Табиатга меҳр ўйғотишни боғча, мактаб даяридан бошлаш керак. Инсон ҳам табиатнинг бир қисми, унинг бугуни ҳам, эртаси ҳам табиат билан узвий боғлиқдир. Табиатга етказилган ҳар бир зарар келажакимиз йўлига чоқ қозиш билан баробарлигини ҳеч қачон унутмаслигимиз керак.

Дилором НАБИХОДЖАЕВА,
мутахассис

ДОВ-ДАРАХТЛАР — САЛОМАТЛИК УЧУН КЎНИ ФЙДА

ОНА СЎЗИ ТАБИАТГА ҚЎШИБ ГАПИРИЛАДИ. ОНА НАҚАДАР АЗИЗ, МУҚАДДАС БЎЛГАНИДЕК, ТАБИАТИМИЗ ҲАМ, УНДАГИ ЎСИМЛИК ДУНЁСИ, ҲАЙВОНОТ ДУНЁСИ ҲАМ, ҲАР БИРИМИЗ УЧУН МУҚАДДАС, ЭЪЗОЛИДИР.

Уни асраш, авайлаш, ён-атрофимиздаги дов-дарактларнинг ноқонуний кесилишининг олдини олиш ҳаммамизнинг виждоний, инсоний бурчимиздир.

Шаҳримиздаги 1 гектарга экилган манзарали дарактлар соатиға 8 килограмм СО₂ газини ўзига ютади. Бу газни 200 нафар одам ўздан ажратиб чиқаради.

Бир кунда 1 гектар ўрмон 220-280 килограмм СО₂ газини ютиб 180-200 килограмм кислородни ишлаб бериши ботаник олимлар томонидан аниқланган. Бундан ташқари, турли касаллик тарқатувчи бактериялар кўп бўлган ҳудудда уларни емирувчи даракт турларини экан маъқул. Айниқса, нок, оқ қайин, мажунтол, карагай каби ниҳоллар экилса айна мудаодир. Дов-дарактлар афзаллигининг яна бир томони шундаки, улар шовқин-суронни ҳам бирмунча камайтиради. Ҳаттоки, Ҳадиси шарифда ҳам «Халқ соясида фойдаланиб турган дарактни кесиб юбор-

ган одамни Аллоҳ таоло дўзахга маҳкум этур» дейилган.


Жазирама иссиқда дарактзордаги

лари томонидан 2007 йилнинг биринчи чорагида 40 та ҳолат бўйича қонунбузарликлар аниқланиб, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 90 ва 162-моддалари асосида 341, 96 минг сўм жарима 3514,3 минг сўм товон пули белгиланган.

Қўмитанинг асосий мақсади ноқонуний равишда манзарали дов-дарактларнинг кесилганлиги учун жарима чораларини қўллаш эмас, балки бундай ҳолатларнинг олдини олиб ўсимлик дунёсини сақлаб қолишдир.

Азиз ҳамшаҳарлар! Шаҳримиз ҳудудидаги Ўзбошимчилик билан даракт кесилиш ҳолатларидан боғбар бўлсангиз Тошкент шаҳар табиатни муҳофизат қилиш қўмитасининг қуйидаги Ишонч телефонлари: 173-86-90, 173-86-83 ҳамда туманлардаги ободонлаштириш бошқармаларига хабар беришигизни сўраймиз.

Шоира АБДУЛЛАЕВА,
Ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини ҳимоя қилиш гуруҳи катта давлат ноziри



харорат асфальт йўлдаги қараганда 2,5-3 даража салқинроқ бўлади. Чунки манзарали дов-дарактларимиз ёзнинг жазирама иссиқига соябон вазифасини бажаради.

Қўмитанинг Ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини ҳимоя қилиш гуруҳи ноziр-

580-МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАСИГА КИРИБ БОРГАНИМИЗДА У ЕРДАГИ ЭКОЛОГИК МУСАФФОЛИК ЭЪТИБОРИМИЗНИ ТОРТИДИ.

Айниқса, лайлак ва жирафанинг чиройли ясалган шакллари бу ерга ўзгача кўрк бағишлаб туради. Яна бир диққатга сазовор томони шундаки, чиқиндилар — газли сувлардан бўшаган идишлардан ўнмлли фойдаланиб, дарактларнинг атрофларида ўзига хос манзара яратилган.

Болалар муассасасида тозаллик алоҳида эътибор қаратилади. Айрим жойларда бўлгани каби бу ерда кузги хазонлар ёқилмай, махсус чуқурчаларга ташланади. Баҳоргача у қимматбаҳо ўғитга айланади. Мазкур ўғит солинган ерларда эса гуллар яйраб ўсиб, барк уриб очилмоқда.

Гуруҳларда экологик таълим тизимининг

жорий этилиши кичкинтойларнинг она табиатга бўлган меҳр-муҳаббатини оширмоқда. Кичкинтойлар ўртасида табиатни янраш мавзусида тез-тез савол-жавоб кечалари,

ТОЗАЛИК БОР ЖЙДА ТАРТИБ БЎЛАДИ

беллашувлар ташкил этилади. Унда болалар ўзларининг машғулотларда ва ўндан ташқарида олган билимларини синовдан ўтказишади.

Бу ерда ташкил этилган табиат бурчаги, жонли бурчак кичкинтойларнинг ўз қўллари билан бунёд этилган.

Мактабгача таълим муассасасидаги шарт-шароитдан қониқиб ҳосил қилидик. Бектемир тумани халқ таълими бўлимига қарашли 12 та болалар муассасаларини кўздан кечирган бўлсак, уларнинг барчасидаги шарт-шароитлар талаб даражасида эканлигининг гувоҳи бўлдик.

Шу ўринда муассасалар раҳбарларининг ҳақли раъдорлигини ҳам айтиб ўтишни лозим деб ҳисоблаймиз. Бектемир тумани «Махсустронс» корхонаси чиқиндиларни баъзи пайтларда ўз вақтида олиб чиқиб кетмайди. Бу эса теварак-атрофининг софлигига албатта маълум маънода путур етказаяпти.

К. АРИПДЖАНОВ,
Ф. ДЕҲҚОНОВ,
Бектемир тумани давлат ноziрлари

ҚОИДАБУЗАРЛАР ЖАРИМАГА ТОРТИЛДИ

НОЗИРЛАР ТОМОНИДАН ҚОИДАБУЗАРЛАРГА СОЛИНГАН ЖАРИМАЛАРДАН ҚЎЙДАГИЛАРНИ МИСОЛ ТАРИҚАСИДА КЕЛТИРСА БЎЛАДИ.

«Меда Констракшн» хориж корхонаси директор ўринбосари Р.Ходжаббердиев эшик ва ойна ишлаб чиқариш лойиҳасини давлат экологик экспертизасининг ижобий ҳулосасисиз рўёбга чиқарганлиги учун Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 96-моддасига асосан 35000 сўмлик жаримага тортилди.

«Старпан сервис» МЧЖ бош муҳандиси Т.Цой саноат чиқиндиларини жойлаштириш ва утиллаштириш қоидаларини бузганлиги учун Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 85-моддасига асосан 37000 сўмлик жаримага тортилди.

«Тошқиллоқмаш» АЖ техник директори А.Грицунов махсус ваколат берилган давлат органларининг рухсатисиз атмосферага ифлослантирувчи моддаларни чиқариб ташлаганлиги учун Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 85-моддасига асосан 38000 сўмлик жарима тўлайдиган бўлди.

«Фан Дон» МЧЖ бош муҳандиси К.Мирабидов сувдан фойдаланиш қоидаларини бузганлиги учун Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 74-моддасига асосан 62100 сўмлик жарима тўлашга мажбур бўлди.

«Ташэлектротраст» АЖ уястка бошлиғи Г.Эргашев нефть маҳсулотларини тўкиб ерни ифлослантиргани учун юқоридаги кодексининг 65-моддасига асосан 62100 сўмлик жарима тўлашга мажбур бўлди.

«Саида бизнес» МЧЖ директори Р.Ризаева дов-дарактларни ўзбошимчилик билан кесиб ташлаганлиги учун 12420 сўмлик жаримага тортилган.



Шифобахш неъматлар ТОҒРАЙҲОН

ТОҒРАЙҲОН ЛАБГУЛЛИЛАР ОИЛАСИГА МАНСУБ КЎП ЙИЛЛИК ЎТ БЎЛИБ, БЎЙИ 30-60 САНТИМЕТРГА ЕТАДИ.

Ўсимликнинг пояси тўрт қиррали, юқори қисми шоҳланган бўлади. Барглари тухумсимон ёки чўзиқ, учи нишли, асоси кенг, понасимон кўринишга эга. Тоғрайхон гуллари поянинг ёки новдаларнинг уч қисмида даярли бандисиз жойлашган бўлиб, рўваксимон шаклда тўпгулли ташкил қилади.

Меваси — тўртта ёнроқча.

У июнь-август ойларида гуллайди. Тоғрайхон

Тошкент, Андижон, Фарғона, Жиззах, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятларидаги барча тоғли ҳудудларда майда тошли, чириндиға бой бўлган қўнғир ва қоратўпроқларда ўсади.

Тоғрайхон ошқўк ва зиравор сифатидагина эмас, балки шифобахшлиги билан халқ орасида машҳур.

Тоғрайхон таркибида 2,2 фоиз эфир мойи, 6-8 фоиз танид моддаси, микроэлементлар, органик кислоталар, витамин С, каротин каби моддалар мавжуд.

Халқ табиотида тоғрайхон ўтдан тайёрланган дамлама терлатувчи

омил сифатида шамоллаш билан боғлиқ бўлган касалликларга тавсия этилади. Шунингдек, у медьаичак фаолиятининг сустлигида, умумий дармонсизликда ҳам даво сифатида ишлатилади.

Тоғрайхоннинг оддий тури — Оригонум вулгаре бош оғриғида, уйқусизликда (бунинг учун ўсимликдан тайёрланган дамлама билан бош ювилиши лозим), рахит касаллигида компресс сифатида қўлланилади. Ўсимлик дамламаси йўтал, нафас қисий, ўпка касаллигида ҳам истеъмол этилса, ижобий натижалар беради.

Уй шароитида бу ўтдан дори-дармон тайёрлаш учун икки чой қошиқ майдаланган тоғрайхон олиб, 400 грамм қайноқ сув билан дамланади. Мазкур дамламани бир сутка давомида истеъмол қилиш мумкин.

Тоғрайхон мойини тайёрлаш учун эса бир қисм майдаланган тоғрайхон ўтига 0,5 литр зайтун ёки писта (кунгабоқар) мойи билан аралаштирилиб, 8 соат давомида дамлаб қўйилади. Сўнгра эзиб, доқада сузилади. Бу мой пахтага шимдирилиб, тиш қавағига қўйилса, орғиққа барҳам беради.

Шуни эслашиб ўтиш кераки, тоғрайхонни илжожи борича гуллагандан кейин ўриб олган маъқул, чунки бу даврда ўсимликнинг шифобахшлик хусусияти қиёмига етган бўлади.

Ўсимликни вақтидан илгари, илдизи билан юлиб олиш унинг камайиб кетишига сабаб бўлмоқда.

БАЛИҚЛАРНИНГ УРЧИШИГА ҲАРАТ БЕРМАЙЛИК

ШАҲРИМИЗ ҲУДУДИДАГИ БОЗОРЛАРДА «ҲАЙВОНОТ ДУНЁСИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ВА УНДАН ФЙДАЛАНИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУНГА ХИЛОФ РАВИШДА ЁВВОЙИ ҲАЙВОНЛАРНИ СОТИШ ВА ХАРИД ҚИЛИШ ҲОЛЛАРИ БАЪЗАН УЧРАБ ТУРИБДИ.

Бу билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 28 октябрдаги 508-сонли қарори қўпол равишда бузилди. Бундай ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида қўмита ходимлари томонидан шаҳримиз бозорларида текширув рейдлари ўтказилади. Жумладан, 2007 йилнинг биринчи чораги ҳисоботи бўйича шаҳримиз бозорларида 5 та рейдлар ўтказилган бўлиб, натижада 2 дона қирғовул, 2 дона уқки қуши қонунбузар фуқаролардан олиниб Тошкент ҳайвонот боғига топширилди. Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик кодексининг 90-моддасига асосан қонун бузган фуқарога нисбатан жарима солинди ва ундирилди.

Ўзбекистон Республикасининг сув хазиналарида шу йилнинг апрелидан то 31 майгача балиқларнинг уруғ ташлаб урчиш даври бошланганлигини маълум қилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Республика табиатни муҳофизат қилиш Давлат қўмитаси томонидан 1997 йилда тасдиқланган Республика ҳудудида ов қилиш ва балиқ овлаш қоидалари талабига асосан, шу қўрсатилган давр ичида балиқларни овлаш, балиқ маҳсулотларини тайёрлаш ва уларни сотиш қатъиян ман этилади.

Шу боис Тошкент шаҳар табиатни муҳофизат қилиш қўмитаси давлат мулкига хиёнат қилинадиغان ишларнинг олдини олиш мақсадида, ҳайвонот дунёси ва балиқларнинг уруғ ташлаб урчиш даврида ҳимоялаб, уларни ваҳшиларча нобуд қилишга йўл қўймайлик мақсадида барча қонун ва талабларни ҳисобга олган ҳолда уларни бозор пештахталарида сотмасликларини балиқ маҳсулотлари билан шугулланувчи фуқароларимиздан сўраймиш ва оғохлантираимиз.

Шу билан бирга шаҳримиз ҳудудидаги бозор, савдо тармоқлари раҳбарлари, балиқ ва балиқ маҳсулотлари таъминотчилари, сотувчилардан барча фуқаролар орасида оммавий тушунтириш ишларини олиб бориш, қўринадиган жойларда эълонлар осиб қўйишларини сўраймиш.

Айбдор қонунбузарлар Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси ва ҳайвонот оламини муҳофизат қилиш қонунлари асосида жавобгарликка тортилдилар.

Шаҳло АБДУЖАЛИЛОВА,
катта давлат ноziри

03-03 УЎТГАНИД ДОМО БУЛАР...

МАШРИҚЗАМИН — ХИКМАТ БЎСТОНИ

ЖАЛОЛИДДИН РУМИЙ

ХИКМАТЛАР

Оқибатни барча кўрса, қил ҳисоб, Бўлмас эрди зарра диний ихтилоф.

Ул бириси бул бирига зид магар, Ҳеч кўшилгайму заҳар бирлан шакар?

Амри Ҳақ-ла келмагунча навбахор, Айламас тупроқ гйбҳни ошкор.

Бормидир Ҳақ борлигидек бир буюк, Не эмиш олдида борлик, еру кўк.

Гар жаҳон қаршингда чексиздир неча, Қудрати олдида йўқдир заррача.

Жонингизга бу жаҳон зиндон эрур, Бас, борингким ул тараф, бўстон эрур.

Бул жаҳон маҳдуду ул ҳадсиз эмиш, Нақшу суврат бул изоҳга юз эмиш.

Тўпланиб юз мингга Жолинус атай, Этса савй, Исо дамича бўлмагай.

Мол недирким, молни деб сен ғам есанг!

Руҳ кетур авжи фалакка юксалиб, Тан қолур чўнқирда сув, тупроқ бўлиб.

Мен олай оламини дейсан уззу кун, Тўлдирай дунёни дейсан бус-бутун.

Гар жаҳонни қопласа қор сарбасар, Қолмагай етса қушдан бир назар.

Ҳар уловга ортилурур бир ўзга юк, Ким заифдир, унда куч бўлмас буюк.

Даҳр аро ҳар қушга мос бир дону дун, Қайси қуш анжирни ютгай бус-бутун?

Гар гўдакка сут эмас, берганда нон, Ўлдирур нон ул гудакни бегумон.

Гар тиши чикса, кеча ё кундузи, Шубҳа йўқим, нон сўраб ейди ўзи.

Қушки учгай пар-қанотсиз, ул ҳамон Оч мушукка ўлжа бўлмай бегумон.

Пар-қаноти чикса қушнинг бўлди, бас, Ул учар, ҳеч кимга парво айламас.

Гарчи кўп учур жисмлардир ҳама, Маъни олдида исмлардир ҳама.

Нақш нақош бирла қандоқ жанг қилур?

Қудрати Ҳақ олдида халқ нетурур, Игна олдида мисоли қаштадур.

Ўқ отар бўлсак, у бизмас мутлақо, Биз — камонмиз, ўқни отгувчи Худо.

Динга етгайсан агарда англсанг.

Зору ҳасрат чекса ким, бемор эрур, Кимки бемор, уйқусиз, бедор эрур.

Кўзларингда саф чекиб айбу гуноҳ, Сен дегайсен эмди қилмасмен хато.

Эй рафик, бил эмди ҳикмат шултурур: Кимда дард эрса, ўшал огоҳ эрур.

Кимки бедордир, дилида дарди бор, Кимки огоҳдир, юзида зарди бор.

Кўрмасанг гар жабрини, сен сўйлама, Жабрини кўрсанг, у кўргонинг нима?

Қайси ишни рағбатинг тортса, инон, Ул юмушда қудратинг бўлмай аён.

Қайси ишга рағбати келмай киши, Жавр чекса, дер: Худонинг хоҳиши.

Анбиё дунё ишида жабрийдир, Куфр эли ўқбо ишида жабрийдир.

Анбиёга — охират, ўқбо иши, Аҳли жоҳилга насиб дунё иши.

Билки, ҳар қуш талпинур ўз жинсига, Ўйлаким, ўз жинси жондир жисмига.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

«Ўзбек Давлат цирки» республика бирлашмаси цирк чипталарини тарқатиш ва сотиш бўйича туман кассирларини

ИШТА МАҚЛУҚ ЭМАДУ

Маълумот учун куйидаги телефонларга соат 9.00 дан 17.30 гача мурожаат қилинг: 144-35-09, 144-37-31.

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

МУАССИСА: ТОШКЕНТ ШАҲАР ХОКИМИЯТИ

Буюртма Г-306

А.Каримов зиёлилар оиласида тарбияланиб (ота-оналари мактаб ўқитувчиси бўлишган) устозликка бўлган ҳавас унинг қалбида болалигиданки уйғонган эди. 1955 йилда 89-мактабни аъло баҳоларга тамомлагач, 1955-1960 йилларда Тошкент Давлат (ҳозирги Ўзбекистон Миллий) университетининг филология факультетида тахсил олиб, ушбу ўқув масканини ҳам имтиёзли диплом билан битирган. Филолог-журналист мутахассислигига эга бўлган Анвар ака 1960-1971 йилларда Ўзбекистон телевидениесиде катта муҳаррир, бўлим бошлиғи, бош муҳаррир лавозимларида ишлаган. 1968 йилда университетта ўқитувчиликка ўтказилган. 1971 йилда «Ўзбекистонда телевидение...

Хамшаҳарларимиз

МАТБУОТИМИЗ ЗАҲМАТКАШИ

УСТОЗ—ОТАНГДЕК УЛУҒ, ДЕЙДИ ХАЛҚИМИЗ. ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ ЖУРНАЛИСТИКА ФАКУЛЬТЕТИ ТАЛАБАЛАРИ Т.ЭРНАЗАРОВ, С.УМИРОВ, М.ХУДОЙҚУЛОВ, Б.ДУЎТҚОРАЕВ КАБИ ҲАМ ҲАЁТИЙ, ҲАМ КАСБИЙ САБОҚ БЕРИБ ҲАЁТ ЙўЛЛАРИНИ Тўғри танлашга кўмаклашган УСТОЗЛАРИ НОМЛАРИНИ ҲУРМАТ БИЛАН ТИЛГА ОЛИШАДИ. Шундай МЕҲРИБОН ВА ЗАҲМАТКАШ УСТОЗЛАР ҚАТОРИДА ФАКУЛЬТЕТДА ДЕЯРИЛ ҚИРҚ ЙИЛДАН БУЁН ТАЛАБАЛАРГА САБОҚ БЕРИБ КЕЛАётган УСТОЗ—ОЛИЙ ТАЪЛИМ АЪЛОЧИСИ, ДОЦЕНТ АНВАР КАРИМОВ ҲАМ БОР.



нинг вужудга келиши ва ривожланиши» мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган. 1975 йилда унга доцент унвони берилган. Университетнинг журналистика факультетиде ўқитувчи, катта ўқитувчи, доцент, факультет декани, декан ўринбосари вазифаларида фаолият кўрсатди. 1979-1992 йиллар давомида «Телекурсатув ва радиоэшиттириш» кафедрасини бошқарди. У қирқ йиллик педагогик, илмий-тадқиқотчилик, ижодий фаолияти давомида катта таърибага эга бўлган камтарин, меҳнатсевар устозлардан бирига айланди. Республикаси илмий, ижодий жамоатчилиги уни биринчи телевидение-шунос, телевидение танқидчиси, публицист ва моҳир таржимон сифатида яхши билади. Унинг республика телевидениеси тарихи, назарияси ва амалиётига оид икки мингдан ортқ мақола, рецензия, очерк, эссе, интервьюлари газета ва журналлар саҳифаларида, энциклопедия, илмий тўпламларда нол этилган. У «Ўзбекистонда телевидение», «Инсон зийнати», «Телевидение Ўзбекистана» китобларининг муаллифидир. А.Каримовнинг сўнги ижодий ишлари—Ўзбекистон телевидениесининг ярим асрилик тўғрисида армуғони «Ойна жаҳон фойдиқилари», «Тошкент мўъжизаси» китоблари нашрдан чиқиб арафасида. Республика матбуотида маънавият,

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон банклари Ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖ, 2007 йил 29 май кунини соат 11:00да «Ўзбекистон банклари Ассоциацияси» биносида очик аукцион савдоларини ўтказлади. Аукцион савдоларига куйидаги мулк куйилади.

Шайхонтоҳур туман суд ижрочилири бўлинимаси томонидан 2007 йил 2 январдаги 6-7/3-сонли ижро ҳужжати асосан тақдим этилган, Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани Беруний кўчаси 3/4-уй манзилдаги Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туман жиноят ишлари бўйича суди ҳовлисида сақланаётган, 1999 йилда ишлаб чиқарилган ва давлат рақами 10J00-02 бўлган «Нексия-сон» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси—893000сўм. Ушбу мулкларни суд ижрочилири бўлинимаси вакили иштирокида бевосита жойга чиқиб кўриш мумкин. Савдода қатнашиш учун харидорлар тўлов ҳужжатида ижро ҳужжат рақами ва санасини кўрсатилган ҳолда объект бошланғич баҳосининг 10 фоиз миқдориде зақалат пулини «Ўзбекистон банклари Ассоциациясининг Универсал биржа маркази» МЧЖнинг «Асак» банк Автотранспорт филиалининг «Альянс» минибандига, МФО 00417, СТИР 204325773, Х/р.20208000804234776001 тўлашлари ва ариза топширишлари шарт. Иштирок этиш учун топширилган аризаларни ва зақалат пуллари қабул қилиш савдодан бир кун олдин тўхтатилади. Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари масалалари юзасидан куйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А.Хўжаев кўч. 1-уй. тел.138-69-94. Хизматлар лицензияланган (лицензия DB001 №000010)

Тошкент шаҳри аҳолисининг кўплаб илтимосларига мувофиқ бутун апрель ойида цирк манежиде «Ҳайвонлар карнавали» дастурининг намоиши давом этади. БОЛАЛАР ВА КАТТАЛАР, ШОШИЛИНГ, ШОШИЛИНГ!!! Томошалар шанба ва якшанба кунлари соат 12.00, 15.00 да бошланади. Маълумотлар учун телефонлар: 144-35-91, 144-35-94, 144-32-23.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Ҳурматли ишбилармон ва тadbirkor жаноблар! РЕСПУБЛИКА КўЧМАС МУЛК БИРЖАСИ очик аукцион савдоларига таклиф этади.

Республика кўчмас мулк биржаси (РКМБ) томонидан бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибиде ўтказилади очик аукцион савдосига куйидагилар куйилмоқда: 1. Тошкент шаҳар Сергели тумани суд ижрочилири бўлими томонидан Тошкент шаҳар кўжалик судининг 2007 йил 19 январдаги 10-0719/790 сонли суд буйруғига асосан хатланган, «Toshshahar» ДУКнинг Тошкент шаҳар, Сергели тумани, М.Хайдар кўчаси, 3-уй манзилида сақланаётган, куйидаги автотранспорт воситалари: — «Газ-52 ТВГ-15» русумли, давлат рақами 10 AF 739 бўлган, 1984 йилда ишлаб чиқарилган, техник саз бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 2 620 387,30 сўм. — «Газ-52 Фургон» русумли, давлат рақами 10 AF 741 бўлган, 1981 йилда ишлаб чиқарилган, техник саз бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 1 654 781,80 сўм. — «Газ-52 ТВГ-15» русумли, давлат рақами 10 AF 765 бўлган, 1989 йилда ишлаб чиқарилган, техник саз бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 3 111 197,90 сўм. — «Газ-52 ТВГ-15» русумли, давлат рақами 10 AF 763 бўлган, 1989 йилда ишлаб чиқарилган, техник саз бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 3 070 410 сўм. — «Газ-52 ТВГ-15» русумли, давлат рақами 10 AF 755 бўлган, 1990 йилда ишлаб чиқарилган, техник саз бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 3 060 136 сўм. — «Газ-52 ТВГ-15» русумли, давлат рақами 10 AF 752 бўлган, 1991 йилда ишлаб чиқарилган, техник саз бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 3 126 015 сўм. — «Газ-52 Фургон» русумли, давлат рақами 10 AF 745 бўлган, 1981 йилда ишлаб чиқарилган, техник саз бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 2 103 984 сўм. — «Газ-52 ТВГ-15» русумли, давлат рақами 10 AF 742 бўлган, 1989 йилда ишлаб чиқарилган, техник саз бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 3 072 187 сўм. — «Газ-52 ТВГ-15» русумли, давлат рақами 10 AF 764 бўлган, 1989 йилда ишлаб чиқарилган, техник саз бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 3 086 199 сўм. 2. Тошкент шаҳар Бектемир тумани суд ижрочилири бўлими томонидан Тошкент шаҳар кўжалик судининг 2005 йил 8 сентябрдаги 10-0517/9186-5 ва 2007 йил 13 февралдаги 10-0705/1275 сонли суд буйруғига асосан хатланган, «Мотро заводи» ОАЖнинг Тошкент шаҳар, Бектемир тумани, Охангарон шоҳ кўчаси, 2-уй

Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси томонидан Сергели туман 1 сонли давлат нотариал идорасидаги ўрни бўш нотариуслик лавозимига

ТАНЛОВ ЎТКАЗИЛАДИ Танловда иштирок этиш истагини билдирган шахс бир ой муддат ичиде куйидаги ҳужжатларни тақдим этиши зарур: а) комиссия номига ариза; б) паспорт нусхаси; в) шахсий варақа (сўровнома); г) меҳнат дафтарчасининг нотариал тасдиқланган нусхаси; д) нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг нотариал тасдиқланган нусхаси; е) малака имтиҳонини топширганлиги ҳақида малака комиссиясининг қароридан кўчирма; ж) нотариат ишига бевосита раҳбарлик қилиш билан боғлиқ вазифаларда ишлаб келаётган талабгорларга унинг ишлаб келаётган лавозими ва ўз лавозимига мувофиқ унга юклатилган вазифалар аниқ кўрсатилган маълумотига; з) охириг иш жойидан берилган меҳнат фаолияти тўғрисидаги тавсифнома.

«01» ЁНҒИН САБАБЧИСИ— АВВАЛО ЭҲТИЁТСИЗЛИК

ДУНЁДА БИРОР САБАБСИЗ ҲЕЧ НАРСА СОДИР БЎЛМАЙДИ. ШУ ЖУМЛАДАН ЁНҒИНЛАР ҲАМ. АГАР БИЗ КУНДАЛИК ТУРМУШИМИЗДА СОДИР БЎЛАётган ЁНҒИНЛАРНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИБ ЧИҚАДИГАН БЎЛСАК, АКСАРИЯТ ҲОЛЛАРДА БУНДАЙ ОФАТЛАРГА ЎЗМИЗИНИНГ БЕПАРВОЛИГИМИЗ, ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИГИ ҚОЙДАЛАРИГА РИОЯ ЭТМАСЛИГИМИЗ САБАБ БЎЛАётганлигининг ГУВОҲИ БЎЛАМИЗ. Биргина транспорт воситалари билан боғлиқ ёнғинларнинг сабабларини таҳлил қилганида ҳам бензин оқаётган жойни бўлсақ улар асосан электр симларнинг қисқа туташуви ва ёнили тизимидаги носозликлар тўғрисида келиб чиқаётганлигини кўрамыз. Ҳўш, бу носозликларни келтириб чиқараётган сабаб нима? Биринчидан, автомобилнинг ўша қисмларининг эскирганлиги бўлса, иккинчидан, ўзининг бепарволигимиздир. Нима учун? Шунинг учунки, биз аксарият ҳолларда транспорт воситасининг қисмларини вақтида таъмирлаб турмаймиз. У бутунлай эскириб, яроқсиз ҳолга келгунча ишлатамиз. Таъмирлашга келганда устага бормасдан ўзимизча иш қиламиз. Устага сарфланадиган озгина пулни тежаймиз деб, катта харажатга замин тайёрлаймиз. Мана бир мисол. Кўпчилик ҳолларда ҳайдовчиларимиз автомобиль карбюраторидан, унга уланган резиналардан бензин оқаётганлигига эътибор қилишмайди. Эътибор қилган тақдирда ҳам бензин оқаётган жойни қўлбола усулда сим билан боғлаб қўяди. Ҳўш жойни маҳкамлаш учун махсус мосламалар борлигини унутмайди, яна ҳам аниқроқ айтганда бўлсақ, пулни тежайди. Арзизмагандек бўлиб кўринган бу ҳолат юқориде эслатганимиздек, катта фалокатларни келтириб чиқаради. Ана шу кичкинагина носозликни таъмирлаш учун маблаг аяган ҳайдовчи ёнғин содир бўлган, пулни бир неча ўн баравар қилиб сарфлайди. Бу гапларни айтишдан мақсад ҳайдовчиларимизни оз бўлсада ҳушёрликка чорлаш, ёнғин туфайли содир бўлаётган фалокатларнинг олдини олишга ҳисса қўшишдир. Мақсадимиз юқоридеги каби нохуш ҳодисалар содир бўлмасин, яхши ният билан сотиб олган автомобилларимизни ёнғиндан сақлайлик, деб яна бир қара эслатиб қўйиш. Бу нарса кўпроқ ўзимизга боғлиқ эканлигини унутмайлик.

3.ХАТМОНОВ, Ҳамза туман ИИБ Ёнғин хавфсизлиги бошқармаси ходими, катта лейтенант

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почта»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшомининг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 6